



Ishonch

МОХИЯТ
Мамлакатимизда аграр соҳанинг истиқболини кўзлаб, ўз вақтида фермерлик ҳаракати кенг йўл очиб берилгани ҳар томонлама тўғри ва самарали йўл бўлганини ҳаётнинг ўзи кўп-кўп мисолларда тасдиқлаб бермоқда.
Ислом ҚАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнатқашларига

Азиз дўстлар!
Энг аввало, сиз қадрдонларимиз — захматқаш бободоҳқон ва фермерларни, сувчи ва механизаторларни, агроном ва селекционерларни, барча мутахассис ва мутасаддиларни ўз зиммангизга олган шартнома мажбуриятларини шараф билан адо этиб, юртимиз хирмонига 3 миллион 500 минг тоннадан ортиқ юқори сифатли пахта ҳосили етказиб берганингиз билан самимий табриқлайман.

Бутун сиз азизларни чин қалбимдан қутлар эканман, мен кўпчилик қаторида пахта етиштириш каби деҳқончилик бобида дунёдаги энг мураккаб ва нозик соҳа бўлиши, нафақат чуқур билим ва катта тажрибани, авваломбор оғир ва машаққатли меҳнатни талаб қиладиган ишга ўзини бағишлаган, ўз касбининг устаси ва фидойиси бўлган миллион-миллион юртдошларимизни ўзимга тасаввур қиламан ва эришилган галабига қўшган муносиб ҳиссангизни юксак қадрлайман.

Сизларнинг пешона терингиз, азму шижоатингиз билан кўлга киритилган бу улкан марра Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик қутлуғ тўйига яна бир беқиз совға бўлди, десам, ўйлайманки, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Дарҳақиқат, ҳаммамиз яхши тушунамиз — деҳқон учун осон йилнинг ўзи бўлмайди. Бу йилги қишлоқ ҳўжалик мавсуми биз учун кўп жиҳатдан оғир бўлди. Жорий йилда баҳор фаслида ўз берган табиий қийинчиликлар, ёз ойларидаги қаттиқ қурғоқчилик ва кучли сув тақчиллиги, жазирама иссиқ ва гармселлар ҳосил тақдирини хавф остида қолдирди.

Хусусан, ўзга айна ривожланиб, ҳосилга қирадиган июль-август ойларида ҳарорат йиллик ўртача меъёрдан анча юқори бўлгани, турли зараркунандан ва касалликлар кўпайгани ҳам қанча-қанча муаммо ва таъширлар туғдиридан ҳаммамизни хабардор қилди.

Ана шундай қийинчиликларга қарамадан, сиз — кўпни кўрган, ҳаёт синовларида тобланган, омилкор деҳқонларимизнинг ҳар тул ғўза атрофида парвона бўлиб қилган меҳнатингиз, матонат ва мардлигингиз эвазига бугунги юксак пахта хирмонининг бунёд этилганини халқимиз чуқур тушунади ва англайди.

Мамлакатимизда аграр соҳанинг истиқболини кўзлаб, ўз вақтида фермерлик ҳаракати кенг йўл очиб берилгани ҳар томонлама тўғри ва самарали йўл бўлганини ҳаётнинг ўзи кўп-кўп мисолларда тасдиқлаб бермоқда.

Хозирги пайтда фермерлик ҳаракати нафақат юқори даромад олиш, нафақат ўзини ва оиласини боқиб, айна пайтда ўз олдига узоқ ва давомли мақсадлар қўйиб, қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг бугунги кунини ва келажак учун масъулиятини зиммасига олишга қодир бўлган ҳал қилувчи сиёсий-иқтисодий кучга айланиб бормоқда, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Шу ўринда бир фикрни такрор айтишни жоиз, деб биламан.

Фермерлик ҳаракатининг туб моҳиятини чуқур тушуниб, деҳқончилик маҳоратини пухта эгаллаган, ўз фаолиятида бир нечта замонавий касбларни муҳассас этган, доимо олдинга интилиб, янги-янги режа ва мақсадлар билан яшайдиган, бой тажрибасини ёш авлодга — ўзининг муносиб давомчиларига бераётган фермерларни мен ўзининг энг яқин маслаҳатдоши ва таянчим, деб биламан.

Бу йил пахтачиликда эришган катта ютуқларимизнинг энг муҳим омиллари қаторида биринчи навбатда ернинг унумдорлигини оширишга қаратилган амалий ишларимиз ҳақида, фақатгина охириги тўрт йил мобайнида мамлакатимиз бўйича 539,5 миллиард сўм маблағ сарфлаш ҳисобидан 1 миллион 164 минг гектар суғориладиган майдоннинг миллиоратив ҳолати яхшилانган хусусида алоҳида таъкидлашни ўринли, деб биламан. Шу борада ерни шудгор қилиш ва текислашдан тортиб, сифатли уруғ тайёрлаш, ҳар томчи сувдан оқилана фойдаланиш, ғўзага ишлов бериш билан боғлиқ барча агротехник тадбирларни юқори даражада ўтказганимиз, ҳеч шубҳасиз, мўл ҳосил тўплаш ва сифатли тола олишда ҳал қилувчи омил бўлганини эътироф этишимиз зарур. Шу билан бирга, жорий мавсумда деҳқон ва фермерларимиз дефляциянинг аҳамиятини чуқур англаган ҳолда, уни барча майдонларда ўз вақтида ва сифатли амалга оширгани ҳам ўтган йилга нисбатан пахта етиштириш, йилги-терим ишларини тезлаштириш ва ушқоқлик билан ташкил қилиш, энг муҳими, ҳосилнинг аксарият қисминини юқори сортларга топшириш имконини берганини қайд этиш лозим.

Бу йилги пахта ҳосилнинг 90 фоиздан кўпроги юқори сортлар билан етказиб берилгани айнан ана шундай муҳим тадбирларнинг самараси, десак, янглишмаган бўлаемиз. Шартнома мажбуриятларини биринчилардан бўлиб бажарган Андижон вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Шахрисабз, Тошлоқ, Учкўприк, Қизилтепа, Кармана, Нарпай, Иштихон, Амударё, Қораўзақ, Чиноз, Юқоричирчиқ, Бобўят, Гурлан, Хонқа туманлари белгиланган мажбуриятларни 20-25 иш кунини бажариб, кўпчиликка уртак ва намуна бўлганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Кунни — кун, тунни — тун демасдан қилган фидойи меҳнати эвазига бир қарашда тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган катта ютуқларга эришган юзлаб фермер ҳўжалиқларининг номларини бугун ҳурмат билан тилга олиш мумкин ва шу фурсатдан фойдаланиб, уларнинг барчасига чуқур миннатдорлик изҳор этишни ўзининг юксак бурчим деб биламан.

Бугунги қувончли айёмда жорий мавсумнинг асосий якунлари ҳақида сўз юртар эканмиз, албатта, пахтачиликдан олинган даромад, моддий манфаатлардан ортиб бораётгани ҳақида тўхталишимиз табиийдир. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу йил пахтачилик бўйича ялли даромад, ўртача ҳисоблаганда, 2 триллион 400 миллиард сўмдан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 25 фоиз кўп бўлиши кутилмоқда. Бу ўз навбатида қишлоқларимизни, бутун юртимизни янада обод қилиш, янги мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, замонавий табиий таъминот масканлари, болалар спорт объектлари, намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма иншоотлари барпо этиш, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ҳаётини янада фаровон қилиш учун улкан имкониятлар туғдириши шубҳасиздир.

Азиз дўстлар!
Сизларга яхши маълумки, хозирги кунда ўзбек пахтасига жаҳон бозорига талаб ва қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Буни яқинда азим пойтахтимиз — Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги халқаро пахта ва тўқимачилик ярмаркаси доирасида йирик хорижий фирма ва компаниялар билан 650 минг тонна пахта толасини сотиш бўйича шартномалар тузилгани ҳам кўрсатиб турибди.

Шу муносабат билан яна бир муҳим масала — пахта толасини юртимизда қайта ишлаш ҳажмини кескин ошириш бўйича қабул қилинган дастурга мувофиқ тарихан қисқа муддатда мамлакатимизда 200 дан ортиқ тўқимачилик корхонаси модернизация қилингани, хорижий шериклар билан ҳамкорликда энг замонавий технологиялар асосидаги янги-янги қўшма корхоналар барпо этилаётгани туфайли етиштирилган қимматбаҳо хомашени тайёр маҳсулот ҳолида, қўшимча қиймат билан халқаро бозорга чиқариш имконига эга бўлганимизни таъкидлаш даркор.

Ўзингиз тасаввур қилинг, агарки 90-йилларда етиштирилган пахта толасининг 7 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, хозирги вақтда ушбу рақам 33 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани Ўзбекистон бу йилда қандай дадил қадамлар билан бораётганининг ва бу борада биз эришаётган катта-катта натижаларнинг аққол ифодаси десак, асло хато бўлмайди.

Бу кўрсаткични яқин келгусида изчил равишда ошириш бўйича олиб бораётган амалий ҳаракатларимиз иқтисодиётимизнинг барқарор ривожлантириш, минг-минглаб янги иш ўринлари ташкил этиш, олинган даромадларимизни янада кўпайтиришга хизмат қилиши мукаррар.

Азиз ва муҳтарам юртдошларим!
Бугунги ҳурсандчилик кунда Ўзбекистоннинг юксак пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшган сиз, фидойи деҳқон ва фермерларимиз, барча қишлоқ меҳнатқашларини бағримга босиб, яна бир бор табриқлар эканман, сизларга қалбимнинг тўрида бўлган самимий ҳурмат ва эҳтиромимни, эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Мана шундай шухули дамларда биздан марҳаматини дариг тутмасдан, ўз ланоҳида асраб келаётгани, доимо йўлимизни очиб бераётгани учун Яратганимизга шукроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Эл-юртимиздан, ҳонадонларимиздан файзу барака, тинчлик-осойишталик ари-масин!
Халол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим, қадрдонларим!

Ислом ҚАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавкатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН **Сабилов Халик Саидович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби кафедраси бошлиғининг ўринбосари
II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Атаходжаев Адил Иргашевич — Тошкент шаҳар Сергели тумани ички ишлар бошқармаси бошлиғи

Хусанов Фазлиддин Аббозович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси бошқармаси бошлиғи

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН **Камалов Ойбек Ахматович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси кафедраси бошлиғи

Ким Илья Валерьевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги назорат-тафтиш инспекцияси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Рахимов Гулам Гафурович — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН **Артиков Мустафо Бобоқувович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Жумаев Дилшод Алиёрович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

Мадиримов Руслонбек Қадамович — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

Мухторов Ортиқ Шухратович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

Отабеков Раваданжон Қодирович — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят кидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

Рашидов Ойбек Икромович (мархум) — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳарбий-лаштираш ёнғин хавфсизлиги қисми ҳайдовчиси

Саматов Алимжан Раимджанович — Тошкент вилояти Ангрэн шаҳар ички ишлар бўлими жиноят кидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бошлиғининг ўринбосари

Тауекелов Медебтай Тауекелович — Қорақалпоғистон Республикаси Кўнғирот тумани ички ишлар бўлими кўрғон милиция бўлими бошлиғи
(Давоми 2-бетда)

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар олий судлари раисларининг олтинчи кенгаши якунлари тўғрисида ахборот

Тошкентда 2011 йил 18-20 октябр кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг олтинчи кенгаши бўлиб ўтди.

Унда Қозғоғистон Республикаси Олий суди раиси Б.Бекназаров, Хитой Халқ Республикаси Олий халқ суди раисининг ўринбосари Чжан Цзюнь, Қирғизистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари вазибаларни бажарувчи К.Апаитова, Россия Федерацияси Олий суди раиси В.Лебедев, Тожикистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А.Юсупов, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев, шунингдек, ШХТ бош қотиби ўринбосари А.Носиров иштирок этди.

ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг кенгаши ушбу ташкилот доирасида суд-ҳўқуқ соҳасида ўзаро ҳамкорликнинг маслаҳатлашув механизмини ҳисобланган.

Ўзбекистон томони раислигида ўтган мазкур тадбир давомида унинг иштирокчилари ҳўқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ҳамда манфаатлар мувозанатини амалга ошириш механизмининг тақомиллаштириш, суд жараёнида ярашув институтини жорий этиш, шунингдек, жиноят ва жиноят-процессуал қўнунчиликни либераллаштириш ҳамда инсонпарварлаштириш сиёсатини ривожлантириш бўйича тажриба алмашди.

Тадбирда ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг кун тартибидagi масалалар бўйича маърузалари тингланди.

Делегациялар раҳбарлари олий судлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни давом эттириш, меъёрий-ҳўқуқий ҳужжатлар, суд амалиёти таалуқли материаллар, ўзаро манфаатли масалалар бўйича илмий-назарий ҳамда амалий ахборот алмашиш ниятини билдирди.


Кенгаш якуни бўйича ШХТга аъзо давлатлар Олий суд органларининг ҳамкорлик истиқболлари оид қўшма баёнот имзоланди.
(ЎЗА)

Матбуот анжумани

Болаликнинг беғубор гамларидан

Узоқ йиллар орта — болалик дамларига мўрalasам, бир воқеа бот-бот ёдга тушаверади. Қўшнимизнинг биздан ёши каттароқ ўғли бўларди. У билан анча қалин жўра эдик. Исмиyam Жўра. Хулласи, кунларнинг бирида унинг қўшини қишлоқлик узоқ қариндоши қишлоқдошимиз — қайлигини кўргани келди-ю, миниб келган велосипедни бизга тегди. Ёши катталарга мос ишланган бу уловини ҳайдашни ўрганаман деб ҳарчанд уриндим-у эпломладим. Жўрам ёши биров улуглиги учунми, ё мендан уқувлироқ эдим, бир пасда ўрганди-қўйди. Унинг тобора завқи келиб қичқирар, хандон отиб куларди. Худди учгандай бўлаётган, деганлари ҳали-ҳамон кулоқларим остида жаранглайдди. Уша пайтда у менинг укўвсизлигимдан кулаятми, деган ўйни ҳаёлимдан ҳеч қуволмаганман. Мурғак кўнгил экан-да...

Кейин-кейин бир-икки кечувни кечгандек бўлдик — синфдош қизнинг деразаси тагидан велосипеднинг кўнғирогини жиринглайтиб ўтадиган пайтларимиз ҳам келди. Уша дамлари велосипедда эмас, қўшқанот тулпорда ўтиргандек, ўзинини гўё ер узара учиб бораётгандек ҳис этарканман, Жўравойнинг илк уринишида туйгани — укўвлигинидан мағрурланиш эмас, завқу-шавқ эканини энди-энди англайман...



Иқтидор, имконият, натижа

Бугуннинг сўроқлари
Хўш, озоод ортада туғилиб, воёнга етаётган ёш авлоддан велосипед, велоспорт ҳақида сўраб кўринг-чи?! Улар сизга уловнинг қанақа хиллари-ю кулайликлари, дунёнинг бир чеккасида бўлаётган «Тур де Франс» мусобақаси-ю қайси велосипедчи сариқ майкани олиб кетгани ҳақида ажабтовур маълумотларни айтиб ташлашади. Табиийки, бир талай саволлар ҳам қаршингда кўндаланг туради: юртимизда велоспорт қанчалик даражада ривожланмоқда? Уни тараққий топтиришдан мақсад нима? Велосипедчиларимиз дунёда қандай нуфузга эгалар? Велоспортнинг келажаги қандай? Ва ҳоказо...

МАТБУОТ АНЖУМАНИДАН ИҚТИБОС
Кўни кеча пойтахтимизда жойлашган «Олимпия шон-шўхрати» музейида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда юртимиз Велоспорт федерацияси кенгаши билан ҳамкорликда оммавий ахборот ходимлари, шунингдек, спортчи ва мураббийлар учун ташкил этилган матбуот анжумани юқорида тилга олганимиз саволларга жавоб берди. Маълумки, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси жорий йил бошида Велоспорт федерациясининг бош ҳомийси этиб белгиланган. Хўш, бу ҳолат велоспортига тараққийга қай даражада хизмат қилмоқда?
— Утган давр мобайнида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан юртимизда велоспорти ривожлантиришга муносиб ҳисса қўлиш мақсадида қатор тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Қорақалпо-

ғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Велоспорт федерациясининг худудий бўлиналари ташкил этилди. Мазкур бўлиналар раҳбарлари этиб вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раислари сайланди, — дейди Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда Велоспорт федерацияси раиси Танзила Нарбаева. — Шунингдек, таъкидлаш зарурки, бугунги кунда касабаси уюшмалари тизимидаги ихтисослаштирилган Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда уларда велоспорт бўлиналарини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар кенг миқёсда ва жадал суръатлар билан давом этмоқда.

САЛОМГА ЯРАША АЛИК
Дарҳақиқат, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси велоспортимизга ҳомийлик қила бошлагандан бери бир қатор кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқдаки, бунинг эътирофи эмас, жоз. Жумладан, юртимизнинг турли худудлари-ю пойтахтимизда ҳаваскору профессионаллар ўртасида ташкил этилган бир қатор мусобақалар, велотурлар бу спорт турининг халқимиз орасида янада кенг қўлаб олишда муҳим омил бўла олди. Хусусан, Олимпия захиралари республика спорт мактабидида ташкил этилган велоспорт бўлиналарида 50 нафардан зиёд ўғил-қиз велоспортчиларини ўрганимоқда. Хоразм вилоятида ташкил этилган мазкур спорт тури мактабидида эса 45 нафардан ортиқ ёш спортчи шугулланиб келмоқда. Фарғона вилоятидаги комплекс спорт мак-

таби неғизда ташкил этилган велоспорт бўлиналарининг 50 нафар укўвчиси янги спорт велосипеди билан таъминланди.

Саломга яраша алик деганларидек, жорий йилда терма жамоа аъзолари Муроджон Холмуродов Таиландда ўтказилган Осиё чемпионатида кумуш медал соҳиби бўлди ва келгуси йили Лондонда бўлиб ўтиши кутилаётган ХХХ ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳўқуқини берувчи йўлланма соҳибига айланди. Шунингдек, жамоа аъзолари қатор мусобақалар: «Тур Малаязия», «Милвад де Тур» (Хиндистон), «Тур Таиланд», «Тур Корея» каби халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиб, уч мартаба маррани илғорлар сафидида забт этдилар.

Йил давомида велоспортчиларимиз трек ва шоссе бўйича 20 дан зиёд халқаро турнирда қатнашиб, Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун яхшигина имкониятга эга бўлдилар.

Қувонарлиси, терма жамоа шоссе бўйича Осиё рейтингидида 3-ўринни эгаллаб, яна иккита Олимпия йўлланмасига эга чиқди. Хозирда бу нуфузли мусобақада шахсий лицензияга эга бўлишди Гуанчжоуда бўлиб ўтган XVI Осиё ўйинлари голлиби Владимир Тўйчиев юқори имкониятга эга.

Шунингдек, аввалги йиллардан фарқи ўлароқ, терма жамоа Олимпия ўйинларида беллашни имкониятини берувчи урта йўлланмани ўзлариники қилишди. Бу натижалар юқунини ҳурсанд қилмайди. Демакки, эътибор қўйган жойда ривожланиш бўлади, деганлари рост гап.
(Давоми 4-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яминов Шавкат Туктамурадович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жиноят кидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдижамилов Аювал Абдурауфович — Тошкент вилояти Уртакчилик тумани ички ишлар бўлими кўрғон профилактика бўлими бошлиғи

Ашуралиев Носиржон Назирович — Фарғона вилояти Фарғона тумани ички ишлар бўлими жиноят кидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

Қадиров Улугбек Махмуджонович — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибалари бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Қурбанов Зарифжон Давроневич — Навоий шаҳар ички ишлар бўлими хузуридаги кўриқлаш бўлими милиционер

Матниязов Шинбай Жолдасбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Раҳбаков Бунёд Норкулович — Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми ёнғин ўчирувчиси

Сативалдиев Абдуваҳоб Абдиразақович — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят кидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлими бошлиғи

Сафаров Бехзод Нормуродович — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят кидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси тезкор вакили

Серкабоев Бахтиёр Олимбоевич — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Тажиббаев Мансур Газибаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи

Турматов Жамолддин Рахматуллаевич — Жиззах вилояти Зафаробод тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Хасанов Ориф Шарипович — Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси Термиз бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлими кичик инспектор-кинолог

Худойбердиев Санжар Мухаммадович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлими бошлиғи

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Когай Наталья Сергеевна — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати катта инспектори

Мингбаев Доинёр Суноатович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони милиционер

Рустамов Алишер Каримович — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибалари бажарувчи сафарбар отряди командири

Саидов Шахри Хужакулович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси жиноят кидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

Ташбаев Гайрат Панжиевич — Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Уразбаев Айбек Зарипбаевич — Хоразм вилояти Гурлан тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Усмонова Хилола Уматалievна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портлаш техникаси экспертиза маркази бўлими бошлиғи

Худякова Ольга Степановна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги шахсий таркиб билан ишлаш хизмати канцелярияси бошлиғи

Эминов Асрор Жураевич — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони милиционер

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2011 йил 21 октябр

ЎЗКУФК Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси фаолиятдан

Аёлга эътибор — келажакка эътибор

Аёли соғлом юртининг келажаги порлоқ, ёшлари ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлади. Барча соҳаларда бўлгани каби темир йул тизимида ҳам аёллар меҳнатини қадрлаш, темирйўлчи хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, оиласи, фарзандлари, саломатлигини муҳофаза қилиш борасида муайян ишлар амалга оширишда...

— Темир йўллар мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томири ҳисобланади. Соҳада ўтган йилги амалга оширилган жаҳоншумул йирик лойиҳа - Афғонистон Республикасидаги «Хайратон-Мозори Шариф» темир йўли қурилишининг муваффақиятли якунланиши ҳамда Мустақиллик йилнинг 20 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган «Тошкент-Самарқанд-Тошкент» йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Афросиёб» поезди қатновининг йўлга қўйилиши каби бунёдкорлик ишларида эркаклар билан бир қаторда темирйўлчи аёлларнинг ҳам муносиб ҳиссалари борлиги алоҳида таҳсинга сазовордир.

«Ўзбекистон темирйўллари» ДАТК корхоналарида меҳнат қилаётган хотин-қизлар Меҳнат кодекси ва бошқа қонуний ҳужжатларда аёллар учун кўрсатилган имтиёزلардан тўла фойдаланиб келишмоқда. Айни кунларда тизимда ишлаётган 55 миң 502 нафар темирйўлчининг 13 миң 986 нафардан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади.

Компания корхоналари маъмуриятлари ва касаба уюшма ташкилотлари ўртасида 2011-2012 йиллар учун битта тармоқ келишуви ва 69 та жамоа шартномаси тузилган. Уларда ишлаган аёллар ва уларнинг фарзандларини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қўшимча бандлар киритилган. Жумладан, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК бошқаруви ҳамда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси ўртасида 2011-2012 йиллар учун қабул қилинган тармоқ келишувидан биринчи марта турмуш қураётган йигит-қизларга иш ҳақи тўланадиган уч кунлик дам олиш кўни жорий этилди. Бундан мажбурият «Кўприкқурилиш» трести, Тошкент, Қўнғирот,

Қарши, Қўқон минтақавий темир йўл узелларининг жамоа шартномаларида ҳам мавжуд. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан 1207 нафар хотин-қизларга 93 та санаторий, 74 та дам олиш маскани, 482 та санаторий-профилакторий, 558 та сузиш ҳавзасига имтиёзли йўлланмалар ажратилиб, саломатлиги тикланди.

«Ўзтемирйўлчулчи» ОАЖ жамоа шартномасида 4 ва ундан ортиқ балоғат ёшига етмаган фарзанди бор аёлларга 4 соатлик қисқартирилган иш кўни ташкил этилди (иш ҳақи меҳнат қилган соатига мувофиқ тўланади). 8 ёшгача фарзанди бўлган аёлларга бир ойда бир кун иш ҳақи тўланадиган дам олиш кўни белгиланган. Корхонадаги 2 ёшгача фарзанди бўлган ишлаган аёллар ҳар уч соатда борласини оқватлантириш (эмизги) учун 30 минутлиқ танаффус қилиш ҳуқуқига эга. Болани оқватлантириш вақти эса иш вақтига кирди ва бу, учун тўлиқ ҳақ тўланади.

«Қуво механика заводи» жамоа шартномасига асосан аёллар ҳар йили бир марта бепул тиббий куриқдан ўтказилади. Фарзанди биринчи синфга борадиган ишловчи оналарга уч кунлик меҳнат таътили берилади. Уч ёшга етмаган фарзанди бор аёлларга бир соатга қисқартирилган иш кўни белгиланган бўлиб, иш ҳақи тўлиқ тўланиши кафолатланади.

Тошкент темирйўл муҳандислари институтида қабул қилинган жамоа шартномасига асосан фарзандларини отасиз тарбиялаётган аёлларга энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдорида моддий ёрдам берилади. «Тоштемирйўлчи» МЧЖ

жамоа шартномасида турмушга чиқаётган қизларга икки ойлик иш ҳақи миқдоридан моддий ёрдам кўрсатилади. Қўнғирот минтақавий темир йўл узелида 15 йил иш стажига эга бўлган аёллар уч йилда бир марта корхона тасарруфидида «Қўнғирот» санаторий-профилакторийсига бепул йўлланма олиш ҳуқуқига эга.

Тошкент метрополитенида меҳнат қилаётган ва 16 ёшгача ногирон фарзанди бўлган аёллар бир йилда бир марта энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдоридан моддий ёрдам оладилар. Тошкент, Бухоро минтақавий темирйўл узелларида фарзандлари биринчи синфга бораётган оналарга ўқув қуроллари олиб берилади.

Жорий йилнинг 9 ойида жамоа шартномалари орқали кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 42 та корхонада меҳнат қилаётган аёлларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида 2011 йилнинг 9 ойида Учқудук-Мустақиллик, Бойсун-Дехқонбод, Қорақалпоғистон-Жаслик, Мискин-Тўртқул йўналишлари бўйича тўрт марта чиқишлар ташкил этилди. Унда 12580 нафар темирйўлчи тиббий масоҳат берилди, 4270 нафар фуқаро тиббий куриқдан ўтказилди, шундан 674 нафари темирйўлчидир. «Саломатлик» поезди тиббий хизмати учун компания ҳисобидан 16 млн. 920 миң сўм сарфланди.

Янги Тошғузор-Бойсун йўналишида ишловчи 60 нафар аёл йод-балас ва феррон препаратлари билан таъминланди, 8 млн. сўмлик сил касалликларига қарши дори воситалари темирйўлчи оналарга тарқатилди. Она-бола саломатлиги борасидаги ишлар қаторида йод ва камқонлик касаллигига чалинган ҳомиладор аёллар ва темирйўл-

ча ишга жойлаштирилди. Иш билан таъминланганларнинг 15 фоизи хотин-қизлардир.

«Афросиёб» йўловчи электропоезди вагон қузатувчиси сафида фаолият кўрсатувчи ёшлар хорижда малака ошириб қайтишди. Улар сафида 18 нафар қиз борлиги қувончли. Темирйўл соҳасида касаначилик орқали яратилган 99 иш ўринининг 56 тасида аёллар меҳнат қилмоқда. Темир йўл тизимида касаначиликни ривожлантириш мақсадида Марказий кенгаш томонидан «Энг яхши касаначи аёл» куриқтанови ўтказиш режалаштирилган. 2012 йил январ ойида голиб касаначи аёллар Марказий кенгашининг қимматбах оьсдалик совғаси билан тақдирланди.

Мустақиллик йилларида темирйўлчи аёллардан 61 нафари «Фахрий темирйўлчи» кўрак нишони, 25 нафар аёл давлат мукофотлари билан таъминланди. Марказий кенгаш томонидан 2011 йилнинг 9 ойи мобайнида 221 нафар аёл пул мукофоти, қимматбах оьсдалик совғалари билан тақдирланди.

Компанияда ташкил этилган «Саломатлик» поезди ҳамкор ташкилотлари билан бирга ташкилланган режага асосан темирйўлчилар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида 2011 йилнинг 9 ойида Учқудук-Мустақиллик, Бойсун-Дехқонбод, Қорақалпоғистон-Жаслик, Мискин-Тўртқул йўналишлари бўйича тўрт марта чиқишлар ташкил этилди. Унда 12580 нафар темирйўлчи тиббий масоҳат берилди, 4270 нафар фуқаро тиббий куриқдан ўтказилди, шундан 674 нафари темирйўлчидир. «Саломатлик» поезди тиббий хизмати учун компания ҳисобидан 16 млн. 920 миң сўм сарфланди.

Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси Тошкент темирйўл муҳандислари институти ва Тошкент, Самарқанд, Қўқон темирйўл транспорти касаба-хунар коллежларида ёшларнинг тиббий маданияти ва саводхонлигини оширишга қаратилган кенг қўламли тарғибот ишлари олиб бормоқда.

чилар фарзандлари учун 2011 йил 215 млн. 702 миң сўм миқдорида маблағ ажратилиб, шундан 610 нафар ҳомиладор аёллар йод ва темир танқислигига қарши йод баланс препарати, 4250 нафар 15 ёшгача бўлган болалар юқорида кўрсатиб ўтилган дори воситалари билан таъминланмоқда. Жорий йилнинг 9 ойлик якунларида кўра, 1000 нафардан зиёд 10-15 ёшгача бўлган қизлар тиббий куриқдан ўтказилди. Темирйўлчилар фарзандларининг саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида компания тасарруфидидаги 100 ўринга мўлжалланган болалар шифохонаси капитал таъмири учун 300 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК тиббий касалликларидан «Йил» ҳамшираси» куриқ-танловини ўтказиш аниъанасига айланган. Комиссия ташаббуси билан қўйи ташкилотларда меҳнат қилаётган хотин-қизларни спортга жалб этишга катта аҳамият қаратилмоқда. Тошкент минтақавий темирйўл узели касаба уюшма ҳудудий қўмитаси томонидан ўтказилган «Отам, онам ва мен спортчи оиласи» мусобақасида Тошкент узели корхоналаридан 20 та оила қатнашди, голиблар ҳамда мусобақада қатнашган барча болалар ҳудудий қўмитанинг қимматбах оьсдалик совғаси билан тақдирланди. Шунингдек, Қўнғирот, Бухоро, Қўқон минтақавий темир йўл узели касаба уюшма ҳудудий қўмиталари томонидан ўтказилган кенгил атлетика, стол тенниси, дартс бўйича мусобақалар аёлларнинг меҳнат фаолиятини ошириб, саломатлигини яхшиламоқда.

Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси Тошкент темирйўл муҳандислари институти ва Тошкент, Самарқанд, Қўқон темирйўл транспорти касаба-хунар коллежларида ёшларнинг тиббий маданияти ва саводхонлигини оширишга қаратилган кенг қўламли тарғибот ишлари олиб бормоқда.

Сўхбатдош: Амина ҚОДИРОВА, «Ishonch» муҳбири

Етакчи минбари

«Эҳтиром» нишони соҳиблари

Эзгулик элчилари хизматидамиз

Қалбимизда яхшилик иморатини барпо этган устозларимиз ҳақини ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, ҳеч қандай ганж — ҳазина, бойлик билан ўлчаб бўлмайди. Вилоят кенгашимиз ана шундай эзгулик элчилари бўлиши таълим тизими фидойилари ва бўлажак педагогларга хизмат қилаётганидан беҳад мамнунмиз. Ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси сифатида вилоят даражасида 2 та шаҳар, туманлар миқёсида 19 та жамоа келишуви, юридик мақомга эга 1720 та таълим муассасаси жамоа шартномалари билан қамраб олинган. Улардан 117904 нафар ходимнинг меҳнатга оид ҳамда 80493 нафар талаба-ўқувчининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган локал ҳужжат сифатида фойдаланиб келинмоқда. Ўтган йилда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 3490 нафар кам таъминланган оила вақилларига 123 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Жорий йилнинг январь-феврал ойларида шаҳар, туман ҳақ таълими бўлими мудирилари, кадрлар бўлими мутахассислари ҳамда бирлашган касаба уюшма қўмитаси раислари, вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси тасарруфидидаги академик-лицей ва касб-хунар коллежи раҳбарлари, мутахассислари иштирокида Фарғона политехника институтида ўқув ташкил этилди. Тармоқ Марказий кенгаши томонидан бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари учун 2011 йилнинг 4-10 апрел кунлари «Чимён» сийхатгоҳида минтақавий ўқув-семинар уюштирилди. Семинарда Фарғона вилоятидан 57 нафар бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси қатнашди. Семинар иштирокчилари учун амалий машғулотлар Фарғона шаҳри, Фарғона, Олтиариқ туманларидаги мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида ўтказилди. Ўқувлар натижаси ўлароқ барча шаҳар, туманларда 10 тадан таянч бошланғич ташкилотлар белгиланди ва уларнинг ҳоналари зарур жиҳозлар билан таъминланди. Шу йил июн ойида вилоят кенгаши томонидан «Коинот» оромгоҳида бошланғич касаба уюшма қўмита раисларининг ўқув амалий семинари ўтказилди.

Таълим муассасаларидаги касаба уюшма ташкилотлари педагоглар билим ва касб маҳоратини юксалтириш, жамоат ишларидаги иштирокини кучайтириш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Жамиятнинг маданий-маърифий жиҳатдан янги-янгиланишида педагог ходимларнинг ҳиссаси катта. «Энг намунали маънавий-маърифий ишларни ташкил этган ҳақ таълими бўлими», «Энг намунали маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари», «Йилнинг энг яхши фан методисти», «Энг яхши фан ўқитувчиси», «Энг фаол хотин-қизлар қўмитаси раиси», «Йил тарбиячиси», «Энг намунали синф раҳбари», «Энг намунали мактабдан ташқари таълим муассасаси тўғрақ раҳбари» куриқ-танловлари ташкил этилиб, голиблар педагог ходимларнинг аниъанавий август анжуманида вилоят кенгаши томонидан Фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

«Билимлар синови»да вилоят ва республика босқичида фарғоналик 147 нафар ўқувчи иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллади. Голиб ўқувчилар, уларнинг устозлари ва ота-оналари иштирокида Олтиариқ туманидаги «Юлдуз» оромгоҳида катта тадбир уюштирилди. Тадбирда халқ таълими вазири А.Мараҳимов қатнашди. Иқтидорли ўқувчиларнинг голиблик погонасини забт этишида билим ва меҳнатини аямаган фидойи ўқитувчиларга ва ота-оналарга вилоят кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

«Коинот» оромгоҳида голиб ўқувчилар учун «Интеллектуал оромгоҳ» ташкил этилди. Бу ерда ўтган турли фан йўналишлари, мастер класс ҳамда интеллектуал машғулотлари Қўқон Давлат педагогика институти доцентлари олиб боришди.

Вилоят кенгаши иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. 2007-2010 йилларда олий ўқув юртлири, ўрта махсус, касб-хунар



Фарғона шаҳридаги 4-болалар мусика ва санъат мактабининг фортепиано ўқитувчиси Саломат Исоқова ўқувчи Азизбек Фозилов билан.

Муқимжон ҚОДИРОВА (Ўза) олган сурат



«Эҳтиром» нишонлари билан тақдирланганини эшитганимда ана шу фикрлар хаёлимдан ўтди.

Ибрат

Илк таниган пайтимида у тармоқ касаба уюшма ходимлари вилоят кенгашида назорат-тафтиш комиссиясининг раиси эди. Касаба уюшма фаолиятини такомиллаштиришдаги фидойилиги кенгашида эсимда. Вилоят кенгаши йиғилишларида комиссия раиси сифатида сўзга чиққанда, зал сув қўйғандек тинчиб, барчанинг диққати нотикада бўларди. У камчиликка йўл қўйганларни аяб ўтирмас, ҳар бир масалага танқидий ёндашарди.

Касаба уюшма тизимида кенгач қирқ йиллик фаолиятида қанчалаб инсонларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилмади. Иш беворчи ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда, аъзолар ҳимоясида унинг алоҳида хизмати бор. Туман АСМ ходимлари касаба уюшмаси кенгаши йиғирима миңдан ортиқ аъзони бирлаштирган. Уларнинг иш ва дам олиш шароитини яхшилаш соҳа вақиларининг доимий эътиборида.

Қачон қараманг, Ҳ.Аҳмедовни тумандаги бирор корхона-ташкilotта учратасиз. Касб касалигига учраган ёки маоши ноқонуний тўхтаиб қўйилган, фарзанди оғир касалликка чалинган ва бошқа вазиятларда ходимларнинг унга суянганлигини кўп эшитганман. Ана шу хизматлари аъзага вилоят ва туман ҳокимликлари, ЎЗКУФК ҳамда тармоқ касаба уюшмасининг фахрий ёрликлари, эсдалик совғаларига сазовор бўлган.

Дарвоқе, туман кенгаши айни мавсумда пахтакор ва теримчиларни рағбатлантиришга катта эътибор қаратган. Шу мақсадда айни кунга қадар 16 млн. сўмлик мукофотлар ажратилди.

Юрт дардини Ўзиники деб билиш Ҳ.Аҳмедовга ҳос фазилат. Бу унинг одамларга ва атрофда ўз бераётган воқеаларга муносабатиди аққол кўзга ташланади. Шу боис ҳам элдошлари бу фидойи инсон билан фахрланишарди.

Суратда: Ҳ.Аҳмедов Асакадаги илғор фермер ҳўжаликларида бирида мукофот топшириш пайти.

Маҳмуд ИБОВЕВ, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

С. САИДХҲАЕВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши раиси

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

«Намангандонмахсулотлари» ОАЖ иқтисодий барқарорлиги, ишчи-хизматчиларга намунали иш шароити яратилганлиги билан ном қозонган. Жамоа фаолияти билан яқиндан танишишни дилга тугиб, йўлга тушидик. Қарангки, байрамлар байрамларга уланаётган кезда корхонада мустақиллик тантаналари давом этаётган экан.

— Бугун «Буёк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида байрамона тадбир ташкил этдик, — дейди жамият касбаба уюшмаси раиси Эркинжон Қажҳоров. — Ходимларга кўмитамизнинг ўзига хос тўхфалари бор. Қолаверса, жамоадошларимиздан бир қанчаси ватанимизнинг юксак мукофотлари би-

уошмаларининг фаолияти ҳам эътиборга сазовор. Зеро, манфаати тўла ҳимоя этилишига ишонгандагина ходим меҳр кўрени бериб ишлайди.

Жамиятда ишловчи 578 нафар ходимдан 57 нафарини аёллар ташкил этса, 76 нафари ёшлардир. 90 нафар олий,

корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида корхонада касаначилик иш ўринлари яратилди. Ҳозирда 40 нафар касаначи бўлиб, меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга иш берувчи ҳисобидан сўт ва сўт махсулотлари етказиб бе-



Касаба уюшма оталиғидаги соҳа

АХШИ ҲИЯТ — ЯРИМ ДАВЛАТ

Ибратли ишлари билан элда обрў топган вилоят Кенгаши депутати, Узун туманидаги «Меҳрож» улгуржи савдо-ишлаб чиқариш хусусий корхонаси раҳбари Қурбон Шукуров яна бир эзгу юмушга қўл урди. Ж.Пирназаров номли СИУ ҳудудидаги «Меҳнат» маҳалласида интенсив усулда боғ барпо этди.

Бунинг учун улкан техникаларни жалб этиб, ерни кафтдек қилиб текислади. Ака-укалари, ёр-биродарлари, қўни-қўшиқларини ҳашарга чорлади. Дала-нинг бошига дошқозон осилди. Қарабсизки, бир ярим кун деганда айтилган ўрачалар тайёр қилиниб, ариқчалар ҳам қазиб қўйилди. Туркиядан олиб келинган эртапишар гилос, қароли ниҳолларини ўтказиш ҳам анча сермеҳнат иш экан. Хуллас, яна ёлланма ишчилар қўчат ўтказишга жалб қилинди. 1 гектар ерга «Грансмит» навли 1400 туп олма, 0,5 гектар жойга 250 туп «Стелла» навли гилос, 0,5 гектар майдонга эса 465 туп «Гренфорд» навли гилос, 1 гектар ерга 625 туп «Чаган гузали» навли қароли ниҳоллари ўтказилди. Боғни барпо этишда «Микрокредитбанк»нинг Узун туман бўлимидан 2 йил муддатга кредит олиниб, тадбиркорнинг шахсий жамғармасидан ҳам 35 миллион сўм сарфланди.

— Ниҳолларни экишга эздик, аммо уч ҳафтагача беҳаловат яшадик, — дейди тадбиркор Қурбон Шукуров. — Йигирма икки кун деганда ниҳоллар куртак чиқарди. Сувни, ўғитни аритмадик. Олма ниҳолларимиз 90 фоиз, бошқа ниҳоллар юз фоиз кўкарди. Мутахассисларнинг фикрича, бу боғ уч йилда ҳосилга кирди. Олмалар гектарига 50 тонна, гилос ва қароли 35 тоннагача ҳосил берадиган бўлади.

Тадбиркор боғ парваришига кўп кишини жалб этмади. Атиги икки нафар меҳнатқаш йигит кечую кундуз ёш ниҳоллар орасида. Ҳар кун улар учун ух маҳал иссиқ овқат дала бошига етказиб келинади. Боғнинг бир четига 3 хонали уйча барпо қилинди. Анчадан бери ишсиз юрган Ҳасан Жўраев, Илҳом Раҳматов иккиси олаётган маошлари-ю тадбиркорнинг ҳамма шароитини муҳайё қилиб берганидан мамнун ҳолда ёш ниҳоллар парваришини агротехника талаблари асосида ташкил этишга япти. Бази-баъзида сариосиёлик тажрибали боғбон Носирхон Тўрақуллов янги боғга келиб, ёш боғбонларга ўз тажрибасини ўргатиб турибди.

Ниҳоллар орасидаги заминдан унумли фойдаланиш илминдаги мош, ловия, ерғоқ, дон учун мажбурий ўстиришмоқда. Бундан ташқари, одамлар онгида ўрнашиб қолган «Узун шароитида полиз экинлари яхши ҳосил бермайди» деган тушунчани йўқотиш мақсадида Тошкентдан келтирилган, мўл ҳосил берадиган қимматбаҳо тарвуз уруғи экилиб, парваришланаёпти.

— Боғбонларимга 3 гектар мевали дарахтлар орасидаги ердан бу йил 50 миллион сўм даромад олсак, шунинг 25 фоизи сизнинг улушингиз бўлади, деб келишганимиз, — дейди уйдабурон раҳбар Қурбон Шукуров. — Насиб бўлса, икки боғбонимга икки-уч йил орасида шу боғдан машина миндирмоқчиман...

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

Тараққиёт сари йўл

унда касабакўмнинг фаоллиги муҳимдир



лан тақдирланган.

Касаба уюшмаси ходимларнинг 55 нафар фарзандига ўқув қуроллари, 8 нафар ишчига байрам совғаси ҳамда 20 нафар ходимга фахрий ёрлик, маъмурият эса 13 нафар жамоа аъзосига қимматбаҳо совға тақдим этди.

Шундан сўнг соқчи Аҳмаджон Убайдуллаев, чилангар Иброҳим Шарипов, ишчи Шамсиддин Жўраев, бухгалтер Акрамжон Раҳматуллаевга «Ўздонмахсулот» АК фахрий ёрлиги, кадрлар бўлими бошлиғи Муҳаббат Қайумова, тегирмон чеҳи чилангари Иброҳим Шариповга «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишонини, галла омбори ишчиси Носирхон Хасановга «Ўздонмахсулот» аълоҳисси кўкрак нишонини топшириди.

Дарҳақиқат, қалбида юрт учун мустаҳкам кўрғон кура олганларгина шараф ва қадрга муносиб. Жамоада бундайлар жуда кўп. Уларнинг бошини қовуштиришда раҳбарият билан биргаликда, касаба

182 нафар ўрта махсус, 306 нафар ўрта маълумотли техника ходимлардан иборат жамоа корхона фаолиятини жонлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Таъкидлаш зарурки, барчаси касаба уюшма аъзоларидир.

Бу ерда асосан Тўрақўрган, Мингбулоқ, Косонсой, Наманган ва Янгиқўрган тумани фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган бугдойдан ун, омикта ем, уруғлик дон ва нон махсулотлари ишлаб чиқарилади.

Мустақиллик йилларида корхонада қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Эски техника тўла олиб ташланиб, ўрнига Швейцариянинг «Бюллер» фирмаси технологияси асосида Россия Федерацияси ҳамда Украинада тайёрланган тегирмон дастгоҳлари олиб келиб ўрнатилди.

2003-2004 йилларда корхона ишчи-хизматчиларини ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш мақсадида 20 ўринли соғломлаштириш маскани ҳамда спорт мажмуаси, футбол майдонини фойдаланишга топширилди. Соғломлаштириш бўлими малакали тиббий ходимлари билан таъминланди. Спорт мажмуасига 15 млн. сўмлик замонавий тренажёр анжумлари келтирилди.

2009-2010 йилларда корхонага қаршли 3-Нуробод «Иссиқ нон» чеҳи қайта таъмирланиб, модернизация қилинди. 15 нафар киши иш билан таъминланиб, ҳалқимиз дастурхонини учун сифатли махсулотлар етказиб берилмоқда.

«Миллий гога тарбияти, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорга мувофиқ корхонада Маънавият маркази барпо этилди. Марказда ходимларнинг маънавий, маданий ва сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган кўп тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик сановат

ришда улар хизматидан фойдаланилмоқда. Таъкидлаш лозимки, корхона ишчиларидан 176 нафари зарарли омилларда меҳнат қилади ва уларнинг соғлиги доимий назоратга олинган. Бир ой, яъни 21 иш кунини давомида бир ходим ўртача 11 литр сут ичиши керак. Мазкур норма деярли қопланмоқда. Сут-қатиқ махсулотлари учун эса ҳозирга қадар 6 млн. 300 минг сўм харажат қилинди.

— Ходимларимизни арзон гўшт ва сўт махсулотлари билан таъминлаш мақсадида ёрдамчи хўжалик ташкил этганимиз, — дейди касабакўм раиси. — Ҳозир хўжаликда 45 бош қорамол, 40 бош қўй-қўзи боқилмоқда. Чорва молларини кўпайтириш ва сифатли махсулот етиштириш мақсадида замонавий тилдаги молхона қуриш ишлари бошлаб юборилди. Ёз мавсумида корхона қошидаги «Намай» дам олиш масканида ходимларнинг мароқли хордик чиқариши таъминланди. Ун бешта бўлимнинг барчасига ёрдамчи хўжаликда боқилаётган қўйлардан беришни йўлга қўйдик. Янги йил, Наврўз, Мустақиллик ва Ҳайит байрамларида, Конституция кунини тантаналарида ходимлар моддий рағбатлантирилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 мартдаги қарорига асосан ёрдамчи хўжалигимизда 6000 бош парранда боқилишни йўлга қўйдик. Натижада ходимларимизнинг парранда гўшти ва туҳумга бўлган талаби арзон нархларда қондирилмоқда.

Корхона ходимлари иш берувчи ҳисобидан махсус кийим-бош билан ҳам таъминланмоқда. Бунга жорий йилда 8 млн. 254 минг сўм сарфланди. Ёзги таътил пайтида корхона ишчиларининг 47 нафар фарзанди Косонсой туманидаги «Олмазор» оромгоҳида бепул дам олдирилди.

Жамоа шартномасининг «Ижтимоий ҳимоя» бўлимидаги қондалардан бири нафақага қузелтирилган ходимлар билан боғлиқ. Ташкилотда 20 йил ишлаган ишчи нафақага чиқиш олдидан ойлик иш

ҳақининг 5 баравари миқдоридан моддий рағбатлантирилади.

Ҳар байрамда касаба уюшма ташаббуси билан корхона ҳовлисидан сифатли гўшт, нон ва нон махсулотларининг арзонлаштирилган нархдаги ярмаркаси ташкил этилади. Бу галги ярмарка ҳам кўпчиликни қувонтирди.

— Бу тадбирда ўзимизнинг «Иссиқ нон» чеҳлари, ёрдамчи хўжалигимиз махсулотларидан фойдаланамиз, — дейди Э. Қажҳоров. — Шу орқали ходимларга ҳам байрам совғаси, ҳам ижтимоий ҳимоялаш усулларини қўллаган бўламиз. Иш ҳақидан қарздорлиқнинг тугатилиши, бу жараёнда қатъий талабчанлик Эркинжон Қажҳоров фаолиятида яққол кўзга ташланади. «Ишни кўнгилдагидек бажарган ходимнинг маошини вақтида бермасликка ҳеч қимнинг ҳақи йўқ. Ишлатилиши билан киши рози қилишни ҳам улдасидан чиқиши керак», дейди у.

Иш бошлаганига беш йил бўлган эсада, касаба уюшмасининг фидойи етакчиси сифатида шаклланган Э.Қажҳоров жамоадошларининг «енгидан кириб, ёқасидан чиқаяпти». Уни ўз иниларидек яхши кўриши ҳам шундандир.

Корхонага ўн беш йиллик меҳнати синган бу йигит юзак ишлашга ўрганмаган. Айрим ҳужжатлардан намуна керак бўлгани учун, 10-15 дақиқа хонасида туриб қолдик. Шу вақт ичида уни сўраб келгучиларнинг адоғи бўлмади. Кимдир сенга талпиндим, демек, одамларга кераксан.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири

Суратларда: касабакўм раиси Э.Қажҳоров «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишонини соғвирдорлари, кадрлар бўлими бошлиғи Муҳаббат Қайумовани табрикламоқда; ярмаркадан лавҳа.

Суратлар муаллифи Абдуносир ҚУЧҚОРОВ

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Бигизда тикилган кашталар

Зилола Мамадалиева падари бузруквори Абдурашид акани биринчи устози деб билади. Отаси Шаҳрисабзда туққан гиламлари, атласлари билан тилга тўшади. У Намангандан дастгоҳлар келтириб, янги иш ўринлари яратди, хунармандчиликни ривожлантириш орқали обрў орттирди.

Уй бекаси Хосият опа ҳам устанинг қанотига кириб, ёнғоқ, анор, пивё пўчоқларидан ранг олган ҳолда илақларга табиий жилбо беради, бу эса махсулотнинг сифати ва қадрини оширарди.

Зилола ўн ёшиданок гилам тўқиш сирларини ўзлаштирди. Табиатан киришимли қизнинг дугоналари кўп эди. Қизлар гилам тўқиш дастгоҳи атрофига тизилишар ва ўшбу хўнар сирларини ўрганишарди.

Абдурашид ака қизи ўқийдиган мактабга бориб, кўпчиликнинг дилидаги ишчи амалга оширди: «Гилам тўқиш» тўғраги очди. Иш юришгандан юришиб, машғулота келувчилар сони кундан-кунга ошиб борди.

сон, Касби ва Қарши туманларида ўқув-семинарлар ўтказди. Мамадалиеванинг саъй-ҳаракати тўғрисида тўшманларда 60 дан зиёд уй бекаси иш билан таъминланди.

— Хўнарни яхши ўзлаштирган хотин-қизларга ҳар хил буюртмалар берарман. Улар рўзгоридан ажралмаган ҳолда тадбиркорлик билан машғул бўлишмоқда. Ишчиларим нафақат воҳанинг чўл худудида, балки Шаҳрисабзда ва Китоб туманларида ҳам бор, — деди мамунлик билан З.Мамадалиева.

Зилола миллий каштачилигимизга янги усул олиб кирди. Унинг «Чанокчи» усулидаги кашталари эътиборга тушди.

— Бу тўқиш усули каштачиликни санъат даражасига кўтарган шаҳрисабзлик хўнарманд опамиз Гулнора Одилованинг игнада тикилган миллий «Ироқи» каштачилигининг бир бўлагидир, — дейди Зилола опа. — «Чанокчи» кашталари «Ироқи»га ўхшаши билан бирга, ундан фарқ қилади ҳам. Яъни игнада эмас, бигизда олиб олиниб, (дастгоҳ) дўконга тортилган ҳолда тикилади. Гажакулт ва нақшлар, ишловлар билан безалади. Барча жараён кўлда бажарилди.



рилади. Аралашмалар меъёрига қараб, янги-янги сифатлар яратилади.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун олдиан

Пойдевори мустаҳкам

Конституциямизнинг ҳар бир моддасига инсон манфаати, унинг ҳуқуқлари асос қилиб олинган. Мамлакатимиз қонунчилигининг барча соҳалари конституциявий қоида ва принципларга таянади.

Юртимизда «Бу муқаддас ватанда азиздир инсон» ғояси оммалашиб бораёпти. У Конституцияда ифодаланган инсон ҳуқуқларига доир қондаларни ўзидан муҳассаслаштирган. Давлатнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда қўриқлашга масъуллиги Бош қомусимизда бобма-боб ифодаланган. Хусусан, унинг X боби «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари»га бағишланган.

45-моддада: «Воёга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида-

дир», дея аниқ белгиланган. Бу тамойил қонунларимизда мустаҳкамланган.

Ҳуқуқ ва мажбуриятини чуқур ўрганиш ҳар бир фуқаро учун муҳим. Шу мақсадда Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармасига қарашли муассасаларда, корхоналарда ҳуқуқий тарғиботи янада кенгайтиришга ҳаракат қилиялмиз. Турли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Қомусли эл — номусли эл», «Сиз Конституцияни биласизми?», «Сиз қонунни биласизми?», «Инсон манфаатлари — улуг қадрият» сингари тадбирлар, учрашув ҳамда савол-жавоб кечалари ёшларнинг ҳуқуқий билими ошишига хизмат қилмоқда.

Элмурад НУРМУҲАММЕДОВ, Зарафшон иқтисослаштирилган прокурор ёрдамчиси

Маиший техника жиҳозларига мослашган савдо дўконларида бўлган киши замонавий жиҳозлардан плазмали телевизор, кондиционер, автомат кир ювиш машинаси, музлатгич, компютерлар билан бир қаторда кабиначи душларнинг турли-туман хиллари сотилаётганига гувоҳ бўлади.

Дарҳақиқат, «Жакуззи» деб номланган ўшбу жиҳознинг қулайлиги барчага манзур бўлмоқда. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар 1-Кимёгарлар даҳаси, Шодлик кўчаси 26-«А» уйда истикомат қилувчи Рита Муҳаммедова ана шундай душ кабиначисини Бектемир тумани «Кўйлик қуриш моллари» бозоридаги 17-дўкандан 4 млн. 500 минг сўмга сотиб олди.

— Мана ҳужжатларингиз тайёр, дўконимиз юк машинаси жиҳозини уйингизга элтиб қўяди, — дея сотувчи назорат-касса машинасидан чек чиқарди ва кафолат талони ёзилган қозғоғга қўшиб берди. Рита юк машинаси билан бирга олдинма-қейин уйга етиб, мутахассисга қўнғироқ қилди. Мутахассис деталларни ўрнатишга тушганда душ кабиначисини бут-

лаш материаллари тенг ярмига йўқлиги маълум бўлди. Уни ташуш давомида йўлда эшикларининг пастки қисмида кичик дарчлар пайдо бўлгани аниқланди. Устига-устак ролик ўрнатилганда эшикнинг бир тарафи умуман ёпилмай қолди. Бундай нуқсонли ва сифатсиз жиҳозни кўрган уста ундан фойдаланишининг сира илож йўқлигини айтиб ўтди. Харидор дарҳол дўкон раҳбариятига бу ҳақда маълум қилди.

— Ҳайронман, бизнинг дўконда шу пайтгача умуман сифатсиз мол сотилмаганди, гапингизга тушунмадим?.. — дея телефонни ўчириб қўйиб, унинг талабини қондиришни истамади. Не-не орзулар билан харид қилинган махсулоти бундай аҳволдалиги ҳамда сотувчининг муомаласидан эсанкираб қолган

Истеъмолчилар ҳуқуқи

Маблағ эгасига қайтарилди

Ританинг шу топда бошидан бирор совуқ сув қуйгандек бўлди. Бир зум додини кимга айтишни, нима қилишни билмай қотиб қолди. Сўнг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятининг «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилиб, арзини айтди. Жамият мутахассислари ўшбу нохуш ҳолатнинг олдини олишда истеъмолчига кўмакдош бўлишди. Ўрганишлар жараёнида ҳақиқатан ҳам ўшбу душ кабиначиси сотилаётганда харидорга бирма-бир очиб кўрсатилмаган, бундан ташқари, транспортда ташиб берилганда ҳам эҳтиётсизлик қилишнинг туфайли у яроқсиз аҳволга келганди. Шу билан истеъмолчи ҳақ бўлиб чққди ва унга тўланган 4 млн. 500 минг сўм эгасига қайтарилишига эришилди.

Умида МАНСУРОВА

Иқтидор, Имконият, натижа

(Давоми. Боши 1-бетда)

БЎШ ҚОШИҚ ОФИЗ ЙИРТАР

Кези келганда шунга айтиш ўринлики, касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши бош хомий сифатида Велоспорт федерациясини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Жумладан, спортчилар ўқув-масгулот йиғинларини кўнгилдагидек ўтказиши учун молиявий жиҳатдан таъминланаётир. Велоспортни омалаштириш мақсадида эса Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар, шунингдек, Тошкент шаҳрида турли веломафралар ташкил этилиб, мусобақаларга барча ёш тоифалари бўйича ҳаваскор спортчилар жалб этилмоқда.

Энг қувонарлиси — матбуот анжумани давомида бош хомий томонидан Велоспорт федерациясига, унинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида, юртимизда ишлаб чиқарилган 4 та «Дамас» русумли автомашина ҳамда 122 донна профессионал ҳамда машқ велосипедлари тақдим этилди. Бу ҳаракатлар замирида экологик безарар транспорт воситасини юртимизда янада омалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, шунингдек, республикамизда велоспортни янада ривожлантириш каби эзгу ниятлар ётибди, десак муболага қилмаган бўламиз.

ДИЛДАГИЛАР ТИЛГА КЎЧГАНДА

— Албатта, бундай имконият ва рағбат спортчиларимизни янги марралар сари руҳлантирмай қолмайди, — дейди терма жамоа бош мураббийи Владислав Искандаров. — Жорий йилда велоспортни ривожлантириш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақиқатан ҳам таҳсинга сазовор. Эътибордан руҳланган спортчиларимиз Лондон Олимпиадасига ҳамда унга йўлланма берувчи халқаро мусобақаларга жиддий тайёргарлик кўришмоқда.

— Сирасини айтганда, кўрсатилётган ғамхўрлик ўз самарасини бермасдан қолмаяпти. Спортчи ўғил-қизларимизнинг қўлга киритётган натижалари барчамизнинг ютуғимиз, фахримиз. Бундан ташқари, велоспортга аёлларни кенг жалб этиш ишлари ҳам жаъдал амалга оширилмоқдаки, бундай ҳатти-ҳаракатлар жамиятимизда соғлом муҳит барқарор бўлишида муҳим ўрин тутди, — дейди жамоанинг етакчи мураббийларидан бири Людмила Меркелова.

— Ҳар бир инсон ўз ишининг эътирофи этилишини, муносиб тақдирланишини истайди, — дейди XVI Осий ўйинлари ғолиби Владимир Тўйчиев. — Биз ҳам бундай эътиборга муносиб жавоб беришга, юртимиз байроғининг жаҳон ареналарида ҳилпираши учун жон-жаҳдимиз билан ҳаракат қилмоқдамиз. Зеро, юрт шаъни барчамизнинг шаънимиз, гуруригимиз.

— Авваллари спортга бу қадар эътибор берилмасди. Иқтидорли йигит-қизларимизнинг маҳорати профессионаллардан қолишмасида, одатда ҳаваскор даражасида қолиб кетар, дунё мамлакатларида беллашиб эса кўпинча орузлигича поёнига етарди, — дейди биз билан суҳбатда спорт фахрийси, халқаро тоифадаги ҳакам Леонтий Ришал. — Ёшларимизнинг кўрсатилётган ғамхўрликка лойиқ бўлишга ҳаракат қилаётгани, хоҳ у, хоҳ бу спорт тури сабаб, дунёнинг турли ҳудудларида мадҳиямиз янграётгани, байроғимизнинг мағрур ҳилпираётгани қалбимизни ғурурга тўлдирмай қолмайди. Уйлайманки, бундан кейин ҳам спортчиларимиздан юқори натижаларни кутиб қоламиз.

БУЛАР ҲАЛИ БОШЛАНИШИ

Дарҳақиқат, фахрий спортчимиз таъкидлаганидек, юртимизда спортга бўлган эътибор ҳар қачонгидан юқори. Биргина велоспортда эмас, бошқа спорт турларида ҳам юртдошларимиз эришаётган натижалар кўксимизни тоғдай юксалтириши шубҳасиз. Юрт шаънини юқори кўтариш, унинг номини оқлаш, эътиборга яраша жавоб бериш — ҳар биримизнинг бурчимиз, вазифамиз.

Аҳдам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири.

Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар

Утган асрнинг 70-йиллари. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетининг янги талабаси сифатида ётоқхонадан жой олиш учун факультет касабаси уюшмаси раисининг олдига кирдим. Баланд бўйли, сариқ сочили, мовий кўз рус йигити ҳужжатларимни кўриб:

— Менга қара, учинчи қаватдаги 86-хонада тураман. Сен ёзувчи экансан, мен эса ўзбек тилини яхши ўрганмоқчиман. Хона икки кишилик, бирга яшаймиз, — деди. Маълум бўлишича, бу йигит учинчи курс талабаси Алишер Халилов экан. Ҳамхонам билан анча

бошида бу айбловнинг мутлақо сохталиги, у аслида Марғилон ипакчиларини кўрқитиш учун уюштирилгани, уларнинг энг сара вакиллари айбсиз жазолангани аён бўлди. Чунки ўша пайтлар хонадонларда тўқилаётган атлас сифатли ва бозоригир бўлиб, харидор фабрикадан чиқаётган матодан кўра қўлда тўқилган атласи афзал биларди. Шўро қонунларига қўра шу соҳа ишбосилари ҳам жазоланиши шарт эди. Ёш мутахассис Абдулла Халилов эса асл марғилонлик атласчилар оиласидан.

Уни вазифасидан озод қилишди. Тергов ишлари эса давом бўлибди, у аслида Марғилон ипакчиларини кўрқитиш учун уюштирилгани, уларнинг энг сара вакиллари айбсиз жазолангани аён бўлди. Чунки ўша пайтлар хонадонларда тўқилаётган атлас сифатли ва бозоригир бўлиб, харидор фабрикадан чиқаётган матодан кўра қўлда тўқилган атласи афзал биларди. Шўро қонунларига қўра шу соҳа ишбосилари ҳам жазоланиши шарт эди. Ёш мутахассис Абдулла Халилов эса асл марғилонлик атласчилар оиласидан.

Уни вазифасидан озод қилишди. Тергов ишлари эса давом бўлибди, у аслида Марғилон ипакчиларини кўрқитиш учун уюштирилгани, уларнинг энг сара вакиллари айбсиз жазолангани аён бўлди. Чунки ўша пайтлар хонадонларда тўқилаётган атлас сифатли ва бозоригир бўлиб, харидор фабрикадан чиқаётган матодан кўра қўлда тўқилган атласи афзал биларди. Шўро қонунларига қўра шу соҳа ишбосилари ҳам жазоланиши шарт эди. Ёш мутахассис Абдулла Халилов эса асл марғилонлик атласчилар оиласидан.

Марғилонлик йигит

йил бирга яшадик ва мён бу фаройиб, бироз драматик тақдир эгаси билан дўстлашиб кетдим... «Марғилонлик Абдулла Халилов Москвадаги тўқимачилик институтига ўқийди. Тахсил йиллари қабристондаги гўзал бир рус қизи билан севишиб, унга уйланади. Келинини Марғилонга олиб келади. Бу ерда улар бир ўғил, бир қизли бўлишади. Шу орада ёш мутахассис ишчанлиги, билимдонлиги билан кўзга ташланади ва ўша давр одатига мувофиқ, уни аввал шаҳар, кейин эса вилоят партия қўмитасига яша олишади. Кўп ўтмай, у вилоят партия қўмитаси сановат бўлимини бошқаради.

этарди. У худлик билан хотинининг юрти — Краснодарга оиласи билан кетишни афзал биларди. Лекин махфий хизматнинг қўли у ерларга ҳам етиб бориши аниқ эди... А.Халилов ўша ерда юрак хуружидан вафот этади. Содик дўст-ўрларини марҳумни Марғилонга олиб келишади ва ҳовлилари ортидаги қабристонга дафн этишади. Мурғак Алишер ва Тамара эса Краснодарда қолиб кетишади...

— Мактабни тугаллаш арафасида паспорт олишга ҳозирландим, — дея ҳикоя қиларди Алишер. — Шунда онам биринчи марта отам ҳақида, Марғилон ҳақида сўзлади. Мудраб ётган хотиралар секин юзага чиқди. Жаннатсимон боғлар, қингир-қийшиқ паҳса деворлар, дўппи қийган одамлар кўз ўнгимда жонланди... У пайтлар Марғилон билан боғлиғим ҳам мушкул, дадам эса сиёсий айб билан гуномонланган... Шу боис онам бизни эҳтиёт қилган. Ўша кеча уйдан чиқиб кетиб, тонггача шаҳар кездим,

ўйландим, йиғладим... Ўртадаб келиб онамга ҳақиқий исм-фамилиямга ўтишим, миллатимни эса «Ўзбек» дея кўрсатишга қарор қилганлигимни айтдим!...

Уша йили Алишер Тошкентга келиб, дорилфунунга ўқишга кирди. Ёзги таътилда эса Марғилонга сафар қилиб, қариндошларини топади. Тахсилни тамомлагач, университетда қолиб, номзодлик диссертацияси устида иш бошлади. Ўзбек қизи Ферузага уйланди. 80-йиллар охирида эса оиласи билан Москвага кўчиб борди ва ўша ерда муқим яшаб қолди.

2009 йилнинг кузида ишхонам-

га Тошкентдан кўнгирик бўлди. Та-нишлардан бири мени Алишер ахтарайтганини айтди. Кўришмаганимизга чорак аср вақт ўтган эди. — Адаш, бормисан? — деди у телефонда боғланганимда. — Кейинги йилларда Марғилондаги қариндошлар билан алоқам узилган. Амман ҳаётимкан? Дарҳақиқат, Марғилонда кўчалар номи ўзгариб кетган, шаҳар ҳам мутлақо бошқа қиёфа касб этгани маълум. Излаб-излаб дўстимнинг қариндошларини топдим. Ам-маси ҳаёт экан. Кўп ўтмай Алишер оиласи билан Фарғонага келди. Қариндошлари билан топилди, отасининг қабрини зиёрат қилди. Суҳбатлардан маълум бўлиши-ча, Алишер суз журналистикасида ўз ўрнини топилди. У Россиядаги биринчи сканворд газета-ҳафтано-ма раҳбари экан. Ҳафтанома-нинг тиражи 1 миллион 200 минг нус-хадан ортди. У бутун Россия бўйлаб тарқатиларкан. «777» номи билан чиқадиган бу сканворд га-

«Биз — бунёдкор халқимиз» фототанловига



Кейинги пайтларда қишлоқларимиз тобора гўзаллашиб, юртимиз ҳуснига хусн қўшиб бормоқда. Қишлоқ инфратузилмасини шакллантиришга йўналтирилган дастурлар ватандошларимиз турмуш шароитини янада яхшилашга хизмат этаётир.

Хусусан, Андижон туманидаги «Уриқзор» МФЙ аҳолиси ақиндагина замонавий турар-жойларга эга бўлишди. Лойиҳа қиймати 7 млрд. 22 млн. сўмни ташкил этувчи мазкур бунёдкорлик ишлари натижасида 82 оила замонавий уй-жойга кўчиб ўтди. Тезкор, аммо пухталик билан амалга оширилган жараёнда «Камолот ишонч Анд» хусусий корхонаси, «Холис» ва «Им-кон қурилиш савдо» МЧЖнинг 700 нафарга яқин қурувчи ва малакали мутахассислари иштирок этишди.

Суратларда: замонавий уйлارнинг умумий кўриниши; уй бекаси Маъмурахон Абдуллаева яратилган қулайликлардан мамнун.

Суратлар муаллифи Абдуносир КЎЧҚОРОВ

Ҳарбийлар ҳузурда

Бухоро вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан вилоятнинг чегара постларида «Миллат тили — қадриятлар асоси» мавзусида тадбир ташкил этилди.

Унда вилоят мусикали драма театри актёрларининг сахна томошаси ва концерт дастурлари намойиш этилди. Театр жамоаси билан чегара постлари мундтади ҳарбий хизматчилари ўртасида шаҳка ва стол тенниси бўйича мусобақа уюштирилди.

Тадбирда ҳарбий хизматчиларнинг яшаш, уларнинг оила аъзолари учун яратилган шарт-шароит билан танишилди. Касаба уюшма маблағи ҳисобидан ҳарбий хизматчиларга қийим-кечак, бадий адабиёт ва спорт анжумлари ҳамда уларнинг фарзандларига ўқув қуроллари совға қилинди.

Иzzатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Юртим фарзанди

зетадан кейин бошқа нашрлар ҳам чиқара бошлаган ва ҳозирда уларнинг сони ўттизтага етибди!

— Кейинги уч йил ичида нашрларимиз сони икки баробарга ошди, — дейди у. — Биз чиқараётган газета, журнал, ҳар чоракда чиқадиган махсус нашрлар ўқувчиларнинг сони жиҳатидан Россияда биринчи ўринда туради. Улардан мантйкий ўйинлар — судоку, ключворди, инглиз ва бошқа чет эл кроссвордлари, турли жанрлардаги сканвордлар асосий ўрин эгаллайди.

Алишер Шарк шеърини мухлис. Ўзи ҳам шарқона рубоийлар ёзади. 2005 йили Москвада унинг «Рубаи мои и твои» тўплами нашр этилган бўлиб, унга етмишга яқин рубоийлар киритилган.

Куйида Марғилоннинг москвалик фарзанди Алишер Халиловнинг рубоийларидан намуналар ўқийсиз.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Майхўр ўз тарзига қўяди тамал: — Ёв шини ячра бўлгандир қамал!

Забун этмоқ көрак дўшимни тезроқ! Мен шу қондага қилман амал! ...

Ҳайкал бастига уста мармартощдан бергач зеб, ўзи ишқ қўйди унга «Галир!» деди эсин еб. Мен тирик гўзалимнинг чарчамас чаққидан қичқиргим келар: «Бир зум овозингни ўчир!» деб.

(Русчадан Али КАМБАР таржимаси)

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси Марказий кенгаши ҳамда тармоқ ходимлари касабаси уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши жамоалари вилоят кенгашининг молия бўлими мудири Азамат Шоймова волидаи муҳтарамаси МУНАВВАР аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Умр зиёси

Дунёда шундай касб борки, барча касблар ана шу соҳа фидойилари берган билим орқали эгалланади.

Бинобарин, ўқувчиларига таълим беришни шарафли бурч деб ҳисоблайдиган ўқитувчилар шаънига қанча яхши сўзлар айтсак оз. Улардан бири Насиба ая Расуловадир. 78 ёшни қоралаган онахон 30 йил мактабда ўқувчиларга таълим-тарбия берди.

— Тошкентда кучли зилзила содир бўлган йилда олий ўқув юртини сиртдан тугатиб, 67-мактабда математика фанидан дарс бера бошладим, — дейди нуруний педагог фаҳр билан. — Кейинчалик 99-мактабда фаолиятимни давом эттирдим. Ҳар бир шогирдимни ўз фарзандимдек севиб, ардоқлаганим боис, бугун уларнинг камолтини кўрганда ич-ичимдан қувониб кетаман. Насиба ая нафақада бўлишига қарамай, уни мактаб жамоаси, ўқувчилари тез-тез йўқлаб туришади. Ўзи зиёли бўлгани сабабли, фарзандлари, келинларининг ҳам ўқишига, олий маълумотли бўлишига сабабчи бўлди. Айни кунда уч келини — Шоира, Сурайё, Машхура, қизи Сурайёхон онахоннинг изидан бориб мактаб, коллеж ва университетда ёшларга илм сирларини ўргатиб келмоқда. Бугун шунча йиллик меҳнатлари самарасини қўриб яшаётган Насиба ая, қўллаб-қувватловлари, фарзандлари ардоғида кексалик гаштини сурмоқда. Тиниб-тинчимас онахон невараларнинг ўқишида ёрдам бериб, уларга ҳам устозлик қилиб келмоқда.

Мана шундай ўз касбига фидойи устозлар бор экан, ҳаётимиз чарогон, улар умр йўлимида бир зиёдек гўё.

Дилноза МИРЗАЁҚУБОВА, ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси

Theatre.uz — 2011

Яна бир халқаро фестивал

Theatre.uz — 2011 Халқаро театр фестивали барча санъат мухлисларини Тошкентга чорлади. Фестивал Style.uz санъат ҳафталиги доирасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан иккинчи бор ўтказилмоқда.

Унда юртимиз театрлари билан Бирга Буюк Британия, Исроил, Украина, Германия, Тожикистон, Озарбайжон сахна ижодкорларининг сара асарларини ўзбек томошабини эътиборига ҳавола этапти. Фестивални Берлин театрининг танлиқли япон ёзувчиси ва драматурги Юкио Мисима қаламига мансуб «Никоб табаси» спектакли очиб берди. Шунингдек, Алишер Навоий, Шекспир, Ханс Кристиан Андерсен, Гогол каби маъшур ижодкорлар асарлари асосида сахна-

лаштирилган спектакллар ҳам намойиш этилади. Улар орасида «Лайли ва Мажнун», «Медея», сеvimли ўзбек комедияли операси «Майсаранинг иши», «Рус-там ва Сухроб» спектаклларини алоҳида санаш мумкин.

Theatre.uz — 2011 арт-директори Васса Васильеванинг айтишича, бу йил фестивал қўламини янада кенгайтган. Спектакллар намойиши билан бирга хорижлик малакали мутахассислар иштирокида ёш актёрларимиз учун маҳорат дарслари олиб борилади. «Ўрта Осийнинг дунё театрлари фаолиятида тутган ўрни» мавзусидаги халқаро форумда эса юртимиз ва хорижлик соҳа вакилларининг бир қанча лойиҳалари тақдироти бўлиб ўтади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур фестивалнинг ўтказилиши юртимизда театр санъати ривожига катта хисса қўшади.

Шоҳсанам НИЁЗОВА, ЎзДЖТУ талабаси

Мулоҳаза

Чиптачи фақат чипта сотадими?

Бекатда автобусни узок кутиб қолдим. Ниҳоят келгач, унга чиқдим-у тирбандлик сабаб айрим ёши катталарнинг ҳам тик турганига кўзин тушди. Қирик ёшлардаги аёл ўзини ноқулай ҳис қила бошлади. Бу унинг ранглар қиёфасидан ҳам сезилиб турарди. Бироқ бирор киши бунга аҳамият бермасди. Ҳатто тўладан келган чиптачи аёл уни икки марта туртиб, йўл ҳақи тўлаган-тўламаганлигини сўраб ўтди-ю, аҳволига парво ҳам қилмади. Икки бекат юрар-юрмас аёл ҳушиз йиқилди. Бир зумда тикилиш автобусда каттагина очик жой пайдо бўлди. Йўловчиларнинг бирортаси юрак ютиб, ёрдам берай демайди. Чиптачи томошадан қуруқ қолаётгандай шошиб келди.

— Нима бўлди ўзи? — беморга ким биринчи ёрдам кўрсатади? Йўловчиларни манзилига эсон-омон етказишни зиммасига олган ҳайдовчи ёки чиптачи эмасми? Ҳайдовчининг бор диққати йўлда эканини ҳисобга олсак, масъулият кўпроқ чиптачига тушади. Унинг вазифаси фақат чипта сотиш эмас-ку! Ишга олинаятган чиптачидан йўловчилар билан ҳушмуомала бўлиш баробарида биринчи тиббий хизматдан ҳам хабардор бўлиши талаб этилса, фойдадан холи бўлмас эди. Бундан ташқари, жамоат транспортида дори қутучиси бўлиши керак. Афсуски, у жамоат транспортларида кўза ташланмайди. Айтиш керакки, йўловчи ҳам истеъмолчи ҳисобланади.

Жамшед ЭРГАШЕВ

Insonga naf keltirish... oliy baxt Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov Tahrir hay'ati: Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indi NİYETULLAYEV, Esom RAJABOV, To'liqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63 Huquq va xalqaro hayot 256-03-90 Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43 Reklama va e'lonlar 256-87-73 Viloyatdagi muxbirlar: Andijon + 99897 465 05 81; Buxoro + 99893 653 50 81; Jizzax + 99872 360 00 10; Navoiy + 99893 725 46 40; Namangan + 99897 491 79 27; Samarqand + 99866 708 70 12; Surxondaryo + 99897 458 05 07; Farg'ona + 99873 221 93 19; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75; Gashqadaryo + 99897 414 30 78 Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy E-mail: ishonch2011@gmail.com Nashr ko'rsatkichi: 133 Navbatchi muharrir: A.Toshev Navbatchi: A. Arslonov Musahhib: S.Shodiyeva Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi. Korxonasi manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy. Gazeta haftaning seehanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda. «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Muallif fikri ta'biyiyat nuqtai nazaridan foydalanishi mumkin. Tjorart matallari 2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Bosishga topshirish vaqti - 21.00 Topshirildi - 21.30 Buyurtma T — 1011 13284 nusxada bosildi 2 3 4 5